Barhayot Zulfiya

Эҳтиром

Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизда Адиблар хиёбони бунёд этилиб, у ерга арзиқли шоир ва ёзувчилар, адабиётшуносларнинг ҳайкаллари ўрнатилдики, бу хайрли иш замирида халқимизни нафақат ушбу ижодкорлар асарлари билан яқиндан таништириш, балки уларнинг ҳаёти ҳамда фаолиятидан ибрат олиб яшашга ундашдек эзгу мақсад-муддао ҳам мужассамдир.

Хиёбонда ҳайкали қад ростлаган сиймолардан бири шоира Зулфиядир. У ўзининг жозибали ҳаёти, ижоди ва жўшқин фаолияти билан ўзбек аёли тимсолига айланган.

Ҳасан ПАРДОЕВ олган суратлар.

Барҳаёт Зулфия

Француз мутафаккири П. Бомаршенинг ***"Табиат аёлни шундай дейди: уддасидан чиқсанг гўзал бўл, ҳозирсанг оқила бўл, лекин идроки бўлмоғинг шарт"***, деган мулоҳазалари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Зеро, XXI аср аёли, фикримизча, айнан идроки орқали замон билан ҳамоҳанг, ҳам гўзал ва оқила, жасоратли, шунингдек, миллати жонкуяри бўлмоғи даркор. Ўзбекистон диёрида бундай аёллар кўплаб яшаб ўтган, уларнинг аксарияти бугунги замонда қизларимиз учун намуна ҳисобланади.

Миллий фольклор, жаҳон адабиёти ва мумтоз шеърият билан яхши таниши ҳамда уларни тафаккурида уйғунлаштириш орқали ёш Зулфия ўзига хос, бетакрор ижодкор бўлиб етишди. 1932 йили илк шеърий тўпламини "Ҳайт варақлари" нашр этилганда, у эндигина ўн етти баҳорни қаршилаган эди. Китобчанинг сўзбошиси муаллифи Насрулло Охундий ***"замонамизнинг ёш умидли шоираси — Зулфия ўзбек қизлари ичида адабиёт фронтига дадил қадам ташлаган ҳолда, унинг мумтоз бир шоира бўлиб етишишига шубҳамиз йўқ, албатта"***, деган башорати йиллар оша ўз тасдиғини топди ва шоира XX аср ўзбек шеърияти осмонини деб тан олинди, десак, муболаға қилмаган бўламиз. Зеро, у аёллар номидан ўз замондошларининг руҳий бойлигини, интилиш ҳамда кечинмаларини давр ҳаётининг барча мураккаблиги ва зиддиятлари билан ифодалай олди.

Шубҳасиз, Зулфия юксак шеърий истеъдод соҳиби эди. Ўз ижоди давомида 40 дан ортиқ шеърий тўпламларини нашр эттирди. Шоиранинг кўплаб шеърлари ўнлаб халқлар, жумладан, инглиз, француз, немис, хинд, хитой, араб ва бошқа тилларга таржима қилиниб, ўзбек адабиётининг дунёга танилишига улкан ҳисса қўшди. Зулфия фақат шоирагина эмас, балки моҳир таржимон, публицист, нафис қўшиқлар муаллифи, Тагор, Лермонтов ҳамда бошқа машҳурлар ҳақида илмий мақолалар ёзган олима ҳамдир. У Нодирабегим ижодини кунт билан ўрганар экан, ўтмиш шоираларни ўз орзу-умидларини асарларида баён этган, деган хулосага келади. ***"Аёл, сен ақадар диловар шоирасан... эй, Нодира, Маҳзуна, Увайсий опахон шоираларимиз. Сизнинг овозларингиз сизнинг овозингизни, умидларингизни олиб юрити ўз асарларида"***, дея ёзган эди Зулфия ўзининг "Аланга" мақоласида.

Беларусь шоираси Эди Огнецкот ***"Зулфия чиройли қалб эгаси, ажойиб ҳассос, фалсафани доно бир одам. Унинг руҳий гўзаллиги шеърида ва фикрларида барқ уриб турибди"***, деб ёзганда нақадар ҳақ эди. У миллатининг куйчиси, гўзал, оқила, муҳаббатли, вафодор аёл, фаол жамоат арбоби ҳамда буюк иқтидор соҳиби тимсолларини ўзида мужассам этган шахс эканлигини исботлай олди. Шоиранинг шогирди Раҳима Шомансурнинг ***"Устозимиз истеъдоди шундай буюк умионки, ундан биримиз ёнғоқликни, биримиз ҳассосликни, биримиз жасоратни, биримиз ёзувчанликни, биримиз ростгўйликни, биримиз ҳатъийятни, биримиз фидойиликни, биримиз меҳрибонликни олдик"***, деган эътирофи Зулфия тимсолига чизгиларни янада бойитади. У ўз шогирдларига талабчанлик баробарида, оиладек қизғанса, биродарларнинг ютуғидан қувонадиган, ҳасадни билмайдиган самимий ва бегубор инсонлар тоифасига мансуб эди.

Зулфия ташаббуси билан "Саодат" журнали саҳифаларида "Қизлар дафтаридан" деган махсус рукн очилиб, у Ўзбекистон миқёсида қизлар мушоирасига айланади. Мазкур саҳифаларда неча-неча ёш истеъдод соҳибалари ўзларини намоён этдилар. Зулфиянинг сўзлари билан айтганда, ***"шеърий асарнинг умри худди уруғнинг умрига ўхшайди. Дастлаб у факт, кузатиш, ҳали фикрга айланмаган ҳиссиёт-у, ҳали ҳиссиёт тугдароламаган фикр. Шуларнинг бари тупроққа тушади. Тупроқда ётиб бўртади, бўлажак ниҳолни ичига келтирувчи куртакка айланади. Ва, ниҳоят, жим этиб, жимгина иссиқ нам, илиқ ҳаво тегкач, ердан бош кўтариб, янги умрини бошлаб юборади"***. Ҳақиқатан ҳам, шоира ёш истеъдодларга "иссиқ нам", "илиқ ҳаво" бўлиб таъсир кўрсатди ва "Устоз — шогирд" анъаналарига амал қилиб, ўз ижод мактабини яратди.

Жамиятда, ижтимоий меҳнатда, ижодда фаолият олиб борғётган аёл учун фарзанд тарбияси ҳамда оила мустаҳкамлигини таъминлаш икки ҳисса кўп фидойиликни талаб қилади, деб ҳисобларди Зулфия. Шоиранинг: ***"Биз оталар, ўз болаларимизни тарбиялаш — бизнинг фахрли бурчимиз. Биз уларни меҳнатсевар, мустаҳкам иродали, она Ватанга содиқ фарзанд қилиб тарбияламоғимиз керак! Шунинг учун ҳам биз ўз ҳаётимиз, ўз ҳулқимиз, ўз хатти-ҳаракатимиз ва ўз меҳнатимиз билан фарзандларимизга намуна бўлишимиз керак"***, деган сўзлари бугун ҳам аҳамиятини йўқотмаган.

Зулфия даврнинг фаол жамоат арбоби ҳам эди. Кўплаб давлат мукофотлари совриндори, депутат, халқаро тинчлик учун кураш ҳамда адабий ҳаракатларнинг иштирокчиси бўлди. 1956 йили Доҳирда ўтказилган Осиё ва Африка ёзувчиларининг халқаро анжуманида нутқ сўзлади. Ёш ўзбек аёлининг мафтункор қиёфаси, нафис овози, ўзига хос шарқона ибоси барча иштирокчиларни ҳайратлантиргани табиий. Чунки бу нутқ шундай гўзал ҳамда жўшқин эдики, ундан таъсирланган туркман шоири Кора Сейтлиев махсус "Зулфия сўзлари" шеърини ёзган эди. Айнан Ҳиндистонда бўлган сафаридаги учрашувлардан илҳомланган Зулфия ўзининг "Мушоира" шеърини битди ва бу шеъри унинг оламга машҳур бўлишида катта аҳамият касб этди. "Жавоҳарлал Неру", "Нилуфар" халқаро мукофотлари, "Кирилл ва Мефодий" ордени билан тақдирланди.

У кўплаб хорижий сафарларда бўлди. Ўзбекона одамийлик ҳамда бағрикенглик хислатларига эга шоира бошқа миллат вакилларини ўзига яқин олиб суҳбатлашар, бу учрашувларда расмий эмас, балки инсоний муносабатлар ўрнатишга ҳаракат қиларди. Зулфия ҳар дам, ҳар вақт ўзбекона миллий қадриятлар, урф-одатларни ҳурмат қилган, ардоқлаган. Унинг сценарийси асосида суратга олинган "Ўзбек атласи" рангли ҳужжатли фильмида халқнинг севимли миллий матоси, унинг гайдо бўлиши ҳақидаги воқеалар шундай чиройли ривоят тарзида баён қилинадики, томошабин ўз-ўзидан атласнинг ранг-баранг ва ёркин бўёқларида она табиат гўзалликлари жилосини мужассам этганлигини ҳис қила олади.

Умуман, Зулфия ўзбек қизлари учун ибрат бўла оладиган ҳаёт кечирди ҳамда давр билан ҳамқадам яшади. Лекин бу мураккаб ҳаёт қалби ўз халқи ва Ватанига меҳр-муҳаббат билан тўлиб-тошган, дунёдан эзгулик ва гўзаллик излаб яшаган бу аёлни ҳамма вақт ҳам англаган йўқ. Албатта, таҳликали даврнинг қатағон сиёсати унинг оиласи тақдирида ҳам аянчли из қолдирган эди. Шоира туғишган акасининг қатағонга учраганлиги, бу йилларда унинг оиласига нисбатан бўлган адолатсизликлар ҳақидаги фактларни ижодининг сўнгги йилларида яратган "Хотирам синиқлари" достонида очиқ айта олди.

Шоира ўз ҳаётида барча аёл орзу қиладиган суюкли ёр, вафодор умр йўлдоши, фарзанд тарбисига масъул она, "Устоз — шогирд" анъаналарини давом эттирган мураббий, набираларини тўғри йўлга етаклаган меҳрибон буви, жамият ҳаётида алоҳида ўрин эгаллаган йирик жамоат арбоби тимсолида халқ хотирасида абадий сақланади.

Ўзбек аёли тимсолига айланган Зулфининг ворислари бугунги кунда ўқиётган, ижод қилаётган, жамиятда фаол бўлган хотин-қизлардир. Юртимизда Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши, Жиззах шаҳрида Ҳамид Олимжон ва Зулфия хиёбони ҳамда ижод мактабининг очилиши шоирага яна бир ҳурмат-эҳтиром ифодаси ҳисобланади.

Нодира МУСТАФОЕВА,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси
бўлим раҳбари, тарих фанлари
доктори.